

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI TABIATNI  
MUHOFAZA QILISH DAVLAT  
QO'MITASI RAISING  
BUYRUG'I**



**ПРИКАЗ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ  
ГОСУДАРСТВЕННОГО  
КОМИТЕТА РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН ПО ОХРАНЕ  
ПРИРОДЫ**

2014 yil « 5 » август БУЙРУҚ № 161

Toshkent sh.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида юридик  
хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш, тизимда юридик хизмат ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда юристконсультлар зиммасига юклатилган вазифалар ва мажбуриятларни тўлақонли ва сифатли бажарилишига эришиш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. “Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва қўмита тизимидаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Экологик-ҳуқуқ бўлими (Мухтаралиев) ва ҳудудий қўмиталар раислари ва қўмита ҳузуридаги хўжалик корхоналари раҳбарлари юридик хизмат фаолиятини мазкур Низом асосида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Қўмита ва унинг таркибидаги барча юридик хизмат ходимлари, шу жумладан, ёлланма ҳуқуқшунослар ўз хизмат фаолиятини амалга оширишда “Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва қўмита тизимидаги юридик хизмат тўғрисида”ги Низом талабларига тўлиқ риоя этсинлар, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун қонунчиликда назарда тутилган кескин чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ҳудудий қўмиталар ва қўмита ҳузуридаги корхоналар раҳбарлари бир ҳафта муддат ичида раҳбарлиги остидаги юридик хизмат ходимларининг лавозим-мажбуриятларини мазкур буйруқ

асосида қайтадан ишлаб чиқсин ҳамда умумлаштириш учун Экологик-ҳуқуқ бўлими (Мухтаралиев)га тақдим этсин.

5. Мазкур буйруқ кучга кириши билан табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси томонидан 2010 йил 10 мартда тасдиқланган “Экологик-ҳуқуқ бўлими тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

A handwritten signature in black ink, enclosed in a hand-drawn rectangular box. The signature is stylized and appears to be 'B. Abdusamatov'.

Б.Абдусаматов

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат  
қўмитаси раисининг 2014 йил  
«5» августдаги  
161-сонли буйруғига илова**

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат  
қўмитаси ва қўмита тизимидаги юридик  
хизмат тўғрисида низом**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимият органларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда “Қўмита” деб юритилади) юридик хизматига оид лавозимларини эгаллаш тартибини, юридик хизмат фаолиятининг асосий функциялари, ҳуқуқлари, вазифалари, масъулияти ҳамда бошқа муҳим йўналишларни белгилайди.

2. Қўмитанинг юридик хизмати Қўмитанинг Экологик-ҳуқуқ бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (бундай кейин “худудий қўмиталар” деб юритилади)нинг юристконсультлари ҳамда қўмита қошида ташкил этилган хўжалик субъектларининг юристконсультларидан иборат.

Экологик-ҳуқуқ бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, худудий қўмиталар ҳамда қўмита қошида ташкил этилган хўжалик субъектларининг юристконсультлари мазкур Низомда шартли равишда “қўмитанинг юридик хизмати ходимлари” деб юритилади.

**II. ҚЎМИТА ЮРИДИК ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
МАҚОМИ ВА ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ТАРТИБИ**

3. Қўмитанинг юридик хизмати ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, амалдаги қонун ҳужжатларига, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раҳбарий, идоравий ва бошқа меъёрий ҳужжаларига, қўмита раисининг буйруқ ва фармойишларига, Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғининг мазкур низом

асосида берган топшириқ ва кўрсатмаларига ҳамда тегишли ҳужжатларига асосланиб фаолият юритади.

4. Экологик-ҳуқуқ бўлими кўмита фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, кўмита тизимидаги юридик хизмат соҳасида юқори бўғин ҳисобланиб ҳамда у тўғридан тўғри кўмита Раисига бўйсунди.

Худди шунингдек, ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги юридик хизмат хўжалик корхоналари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, улардаги юристконсултлар ўз фаолиятида биринчи раҳбар шахсга ҳамда Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғига бўйсунди.

5. Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган ва юридик хизмат соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин. Бунда Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғини ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш тўғридан-тўғри кўмита раиси томонидан амалга оширилади.

6. Экологик-ҳуқуқ бўлими бош юристконсулти, ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги хўжалик корхоналари юристконсултлари лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган ва юридик хизмат соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин. Бунда ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги хўжалик корхоналари юристконсултларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда ҳудудий кўмита раислари ва хўжалик корхоналари раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

7. Алоҳида ҳолларда, юридик хизмат штат бирликларига эга бўлмаган ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги хўжалик корхоналари хизмат кўрсатиш шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларига асосан адвокатлар ёки ёлланма ҳуқуқшунослар хизматидан фойдаланиши мумкин.

Бундай ҳолларда жалб этилаётган ёлланма ҳуқуқшуносларнинг олий юридик маълумотга эга эканлиги аниқланиши ва шартнома тузишдан аввал Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғининг ёзма розилиги олиниши шарт.

8. Экологик-ҳуқуқ бўлими ходимларига интизомий жазо қўллаш иш берувчи сифатида кўмита раиси томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги хўжалик корхоналари юридик хизмат ходимларига интизомий жазо қўллаш ва уларни лавозимидан озод этиш (шунингдек, ишдан бўшатиш) уларга раҳбарлик қилувчи биринчи раҳбар томонидан Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

9. Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи олиб борилган таҳлилларга асосланиб, ҳудудий кўмиталар ва кўмита таркибидаги хўжалик

корхоналаридаги юридик хизмат ходимлари фаолиятига тегишли баҳо бериш, хусусан, уларнинг иш берувчиси (ёки буюртмачиси)га юридик хизмат ходимига интизомий жазо тайинлаш ёки меҳнатини рағбатлантириш (ёхуд ёлланма ҳуқуқшунослар ва адвокатлар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш) тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга.

Мазкур масалалар юзасидан киритилган тақдимнома ҳудудий қўмиталар ва қўмита таркибидаги хўжалик корхоналар раҳбарлари томонидан ижро қилиниши шарт.

10. Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғи мазкур Низомда қайд этилган вазифа ва функциялар ҳамда ваколатларидан келиб чиқиб, ҳудудий қўмиталар, қўмита таркибидаги хўжалик корхоналари раҳбарлари ва юридик хизмат ходимларига бажарилиши зарур бўлган кўрсатма ва топшириқлар бериши мумкин.

11. Ҳудудий қўмиталар ва қўмита таркибидаги хўжалик корхоналарининг юридик хизмат ходимлари ўзи фаолият юритаётган ташкилотдаги барча турдаги ҳуқуқий масалалар ва муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш ечимлари тўғрисида Экологик-ҳуқуқ бўлимига тўғридан-тўғри маълумот, ахборот, таклиф ва мулоҳаза ёки билдиришнома шаклидаги мурожаатлар билан чиқишлари мумкин.

12. Зарур ҳолларда қўмита тизимидаги юридик хизмат ходимлари қўмита раисининг буйруғи (қарори ёки фармойиши) билан марказий қўмитага ёки бошқа ҳудудий қўмита ёхуд корхонага амалий ёрдам кўрсатиш ва амалиёт ўташ мақсадида жалб этилиши мумкин.

### **III. ҚЎМИТА ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

13. Қуйидагилар қўмита юридик хизмат ходимларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Қўмитанинг ҳуқуқни қўллаш ва норма ижодкорлиги фаолиятида қатнашиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

б) Қўмита ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

в) Қўмита ва унинг таркибий бўлинмалари мулкининг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

г) Қўмита фаолиятида шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

д) судларда ва бошқа идораларда қўмитанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

14. Қўмита юридик хизмат ходимлари ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

а) қўмитанинг ҳуқуқ ижодкорлиги, фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади, ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, бажарилишида ва назорат қилинишида қатнашади;

б) қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

в) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва уларни Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этишда иштирок этади;

г) қўмитанинг таркибий бўинмалари билан биргаликда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларинини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши, ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди;

д) қўмитани норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан, қўмитани кодекслар, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чорасини кўради;

е) қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашрга тайёрлайди;

ж) қўмита раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

з) қўмита раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан қўмитанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

и) қўмитада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

й) қўмитада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

к) қўмитанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

л) қўмита ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

м) қўмита ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга қўмита фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда қўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради.

2) *мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳасида:*

а) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

б) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда қўмитада мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

в) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради.

3) *шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:*

а) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда қўмитанинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан қўмитанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, қўмита томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

г) қўмитанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва қўмитага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, қўмитада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

д) тегишли бўлинмалар билан биргаликда қўмитанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

е) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

ж) кўмитанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади.

4) бошқа соҳаларда:

а) таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқӣ ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқӣ нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади.

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

5) Юридик хизматга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

#### **IV. ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚ БЎЛИМИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

15. Экологик-ҳуқуқ бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) кўмита ва унинг таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва маълумотлар чекловларсиз олиш;

б) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга ва ҳуқуқӣ ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

в) қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларига қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

г) қонунчиликка зид бўлган расмий ҳужжатлар ва хўжалик шартномалари лойиҳалари юзасидан билдирилган эътирозларни ҳамда ҳуқуқӣ хулосалардаги таклифлар ижросини таъминланмаган шахсларга қатъий интизомий жазо чоралари кўриш тўғрисида билдирги киритиш;

д) барча таркибий бўлинмалардаги ҳуқуқӣ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида уларнинг фаолият йўналишларига оид ҳужжатлар билан танишиш, зарур ҳужжатларни талаб қилиб олиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таркибий бўлинма раҳбарига бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқӣ кўрсатмалар бериш;

е) амалдаги қонунчилик, ҳукумат ва юқори ташкилотлар ҳамда кўмита раисининг топшириқ ва кўрсатмаларига масъулиятсизлик билан



ёндошган раҳар ва масъул ходимларга огохлантиришлар бериш, зарур ҳолларда уларга интизомий жазо қўллаш ёки рағбатлантиришни камайтириш ёхуд бекор қилиш тўғрисида қўмита раисига таклиф киритиш;

ж) қўмита ва унинг таркибий бўлинмаларининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд қонун бузилишга йўл қўяётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятта таклифлар киритиш;

з) қўмита ва унинг таркибий бўлинмаларида ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Экологик-ҳуқуқ бўлими:

а) юридик хизматга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

б) қўмитада ва унинг таркибий бўлинмаларида аниқланган қонун бузилишлари тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

в) белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Экологик-ҳуқуқ бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **V. Қўмита Экологик-ҳуқуқ бўлими ходимининг жавобгарлиги**

17. Қўмита Экологик-ҳуқуқ бўлими ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳаларида қайд этилган шарт ва қоидаларнинг ҳамда ўзи томонидан берилган ҳуқуқий хулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун масъулдир.

18. Қўмита Экологик-ҳуқуқ бўлими ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қўмита раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **VI. ҲУДУДИЙ ҚЎМИТАЛАР ВА ҚЎМИТА ТАРКИБИДАГИ ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИНГ АЛОҲИДА МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ**

19. Ҳудудий ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунувчи хўжалик корхоналари Юридик хизмати ходимининг мажбуриятлари:

- қўмита ишининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этади;
- бўлинмаларнинг ўзаро муносабатларини ва бўлинмаларнинг иқтисодий жавобгарлигини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини, қўмитанинг хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масалаларини тайёрлаш ва жорий қилишда иштирок этади, раҳбарият билан келишиб бу ишда қатнашиш учун мансабдор шахсларни ва мутахассисларни жалб этади;
- қўмитада белгиланган ички хўжалик эътирозларини қўзғаш ва кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;
- иқтисод, молия, ҳисоб-китоб хизматлари ва бошқа бўлинмалар билан биргаликда қўмитанинг хўжалик фаолияти натижалари таркибини ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини, баланс ҳисобидаги барча турдаги қарзлари аҳволини ўрганади, раҳбариятнинг тўғридан-тўғри топшириғи асосида суд ва тергов органларига жўнатиш учун пул маблағлари ва товар-моддий бойликларининг камомади ва уларни ўғирлашлар бўйича материалларни расмийлаштиради;
- қонунчилик актларини, юқори бошқарув органларининг норматив ҳужжатларини, қўмитанинг локал норматив актларининг тартибга солинган ҳисобини ва сақланишини ташкил этади;
- бошқа бўлинмалар билан биргаликда қўмитанинг идоравий норматив ҳужжатларини тартибга солиш ишларини олиб боради;
- раҳбариятга имзолаш учун тақдим этилаётган буйруқлар ва ҳуқуқий мазмундаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунга мувофиқлигини текширади ва уларга виза қўяди;
- қўмита тузилма бирликлари ва бўлинмалари раҳбарлари томонидан чиқарилган юридик ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлигини таъминлашда тегишли амалий ёрдам кўрсатади;
- бошқа бўлинмалар билан хўжалик шартномалари, шунингдек, чет-эл компаниялари ва фирмалари билан контрактлар тайёрлаш, тузиш ва уларнинг ижросини назорат қилишга оид ишларда қатнашади;
- даъво ишларини олиб боради, судларда шунингдек, бошқа органларда ҳуқуқий масалалар кўрилаётганда белгиланган тартибда корхона манфаатларини химоя қилади, даъво ишлари агар бошқа бўлинмалар томонидан олиб борилса, бу ишга раҳбарликни амалга оширади;
- моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш ҳужжатлари, бузилишлар ва суиистеъмолликлар маълум бўлган тақдирда тафтиш ва қайта руйхатга олиш актлари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;
- жамоа шартномасини тайёрлашда ва тузишда қатнашади, жамоат ташкилотларига ўз ваколатларини амалга оширишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

- юридик умумий ўқувини ташкил этишда ва уни амалга оширишда қатнашади, ходимларни амалдаги қонунлар билан таништиради, уларни қўлланилиш тажрибасини тушунтиради;

- қўмита фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланса, бу ҳақда уларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш учун раҳбарни хабардор қилади;

- белгиланган ҳисоботларни ўз вақтида ва тўғри тайёрлаган ҳолда Экологик-ҳуқуқ бўлимига топширади;

- раҳбариятнинг ва Экологик-ҳуқуқ бўлимининг бошқа қонуний талабларини бажаради.

20. Ҳудудий қўмиталар ва хўжалик корхоналари юридик хизмат ходимининг ҳуқуқлари:

- қўмита фаолиятида қонунчиликка риоя этилишининг аҳволи билан танишиш, тафтиш ўтказишларда ва қайта рўйхатга олишларда қатнашиш;

- бўлинма раҳбарларидан ва масъул ходимлардан корхонада белгиланган тартибда ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар ва ўз бурчларини бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олиш;

- раҳбариятга ва Экологик-ҳуқуқ бўлими бошлиғига содир этилган қонунбузилишлар, уларни бартараф этиш, келтирилган зарарни қоплаш, амалдаги қонунларнинг бажарилишини таъминламаган ёхуд бузаётган бўлинмалар ва хизматларнинг раҳбарларини, бошқа ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида маълумотлар ва таклифлар тақдим этиш;

- раҳбарият билан келишилган ҳолда норматив ҳужжатлар ёки бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ юридик хизмат томонидан ўтказиладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқа бўлинмаларнинг барчасини жалб этиш.

21. Ҳудудий қўмиталар ва хўжалик корхоналари юридик хизмат ходими ўзи виза кўйган ҳужжатлар лойиҳаларида қайд этилган шарт ва қоидаларнинг ҳамда ўзи томонидан берилган ҳуқуқий хулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун масъулдир.

22. Ҳудудий қўмиталар ва хўжалик корхоналари юридик хизмат ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қўмита раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## **VII. ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИСОБДОРЛИГИ**

23. Ҳудудий қўмиталар ва қўмита таркибидаги хўжалик корхоналар юридик хизмати ходимлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат

қўмитаси Экологик-ҳуқуқ бўлими ўртасида доимий равишда ахборот алмашинуви бўлиши лозим.

24. Ҳудудий қўмиталар ва қўмита таркибидаги хўжалик корхоналар юридик хизмати ходимлари Экологик-ҳуқуқ бўлими талабига биноан мазкур бўлим томонидан ишлаб чиқилган шакллар бўйича белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этадилар.

**Экологик-ҳуқуқ  
бўлими бошлиғи**



**С.Мухтаралиев**